




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЙОСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 103 (9.295) 1999 йил 3 сентябрь, жума

Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ.

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Авалло барчангизни энг улуғ, энг азиз айём - Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Аждодларимиз асрлар давомида орзу-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври халқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намоён этишга имкон берди.

Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислохотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Авалло юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чеҳрасини тобора очиб бораётган қурилишларда, кенг ва раван йўлларда;

Иқтисодий ва ижтимоий ривожимизга улкан ҳисса қўшаётган янги-янги тармоқ ва иншоотларда, замонавий технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарда;

Халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон кўяётган қадамларда, унга нисбатан ҳурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида кўяётган, жаҳон жамоатчилигини хайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтинглар, ўзингизга бир тасаввур қилинглар, азиз юртдошларим, узок Америка заминидан кунга кеча эришган ютуғимиз - бир йўла икки ўзбек паҳлавони - Ўткир Хайдаров ва Махамматқодир Абдуллаевлар миллатимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир неча йил олдин ҳаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

Амир Темури бобомизнинг чуқур маъно-мазмунли иборасини қўллаб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин», деб бугун баралла айтишимиз мумкин.

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси - бу жамиятимизнинг мафқурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий гурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам кўяётган буюк халқимиз.

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўғитлари, умумбашарий андозалар, юксак маънавий руҳ асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислохотлар йўлидан бораётган халқимиз.

Бу - ҳақиқат. Бу ҳақиқатни ҳозиргача англамаган ёки англашни хоҳламайдиган, озодлигимизни, истиқлолимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хомхаёлда юр-

ган баъзи бир ғанимларимиз эшитсин, қулоғига қўйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришига, тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди.

Азиз юртдошларим!

Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

Буюк орзуларга етиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлигимизни, Оллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-қудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак.

Ҳар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллигимизни мустаҳкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашига эришмоғимиз даркор.

Авалламбор бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз, умидимиз ва келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни, ёш авлодимизни шу туйғу ва шу мақсад руҳида тарбиялашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Уларни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарварлар этиб воғга етказиш - барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.

Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат - кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз - яққаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг тараққий топган давлатлар, маърифатли дунё билан бирга яшашимиз, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини кучайтиришимизни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз барча мақсад ва ютуқларимизнинг заминини бўлмиш юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорликни кўз қорачиғидай асрашимиз, уни ён-атрофдаги қўшнилариимиз, узок-яқин биродарларимиз билан биргаликда янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Саккиз йиллик мустақил ҳаётимиз давомида кўп нарсага кўзимиз очилди, оқни қорадан, дўстни душмандан, муҳимни номуҳимдан ажратишга, кимга суюниш, нимага таяниш мумкинлигига ақлимиз етди.

Саккиз йиллик истиқлол йўли халқимизнинг иймонини янада бақувват, иродасини мустаҳкам қилди. Чеккан машаққатларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз ижобий самарасини бера бошлади. Бу эса халқимизнинг танлаган йўлимиз тўғри эканига, эртанги кунимиз ёруғ бўлишига ишончини янада оширмоқда.

Азиз ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқаларда, шу юксак минбардан туриб, мустақиллигимиз ва ҳаётимиздаги янгиланиш ижодкори бўлмиш меҳнаткаш, бағрикенг, матонатли, ор-номусли халқимизга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор қутлайман! Ватанимизни, халқимизни, барчангизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда бу йил кўплаб янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилар учун эшик очмоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 26 та ана шундай янги таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи ҳам шулардан биридир.

«Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 159-трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган мазкур замонавий ўқув даргоҳида 900 нафарга яқин йигит-қиз 16 ихтисослик бўйича таълим олади. Коллеж қурувчи, дуррадгор, сув ва газ тармоқлари усталари, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлайди.

КЕЧА

мазкур коллежнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бу тантананинг иштирокчилари бўлмиш шаҳар ва



туман жамоатчилиги, шу ҳашаматли бинони қурган қурувчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Мана шундай гўзал ва замонавий ўқув масканида таҳсил олишга тайёргарлик кўраётган ўқувчиларнинг очиқ чеҳраларини кўриб шу тантананда қатнашаётган киши беихтиёр қувониб кетади, деди Президент. Ёшимиз, вазифамиз, мансабимиздан қатъи назар, таълим-тарбия олган ўқув даргоҳимиз, бизга билим берган, мураккаб ҳаёт йўлларига қузатган ўқитувчи ва мураббийларимиз бот-бот кўз

(Давоми 3-бетда).

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!



(Давоми. Боши 1-бетда).

ўнгимиздан ўтади. Бизнинг, катта авлод вакилларининг ўзимизнинг қандай шароитда, қандай бино ва дарсхоналарда, қандай дарслигу жиҳозлар ёрдамида, хуллас, нақадар оғир аҳволда билим олганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

Янги ўсиб келаётган авлодни ўз бағрига қабул қилишга тайёр бўлган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо янги ўқув масканини кўрар эканмиз, бундай имкониятларга эга бўлишимиз, аввало, мустақиллик туфайли эканини барчамиз яхши англаймиз, деди Йўлбошчимиз.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларимиз бир ҳақиқатни тобора чуқур англаб етмоқда. Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замон талабларидан орқада қолмас-

лик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, истиқболимиз ва иқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар этиб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга бугунги кунда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳеч қандай маблағ, ҳеч қандай сармойани аямасдан болаларимиз учун, азиз фарзандларимиз учун мана шундай бинолар, ўқув юртларини қурмоқдамиз.

Мана шундай қурилишларни амалга оширар эканмиз, биз шу билан ўз келажагимиз пойдеворини қурмоқдамиз, ўз истиқболимизни яратмоқдамиз, десак ҳеч қандай мубола-

ға бўлмайди, деди Президент Ислон Каримов.

Маросимда сўзга чиққан Оқтепа маҳалласи оқсоқоли М.Рихсиев, «Пахтакор» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Салимова, коллеж ўқувчиси Д.Ҳакимова ёшларимиз таълим ва тарбиясига берилаётган юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилдилар.

Шундан сўнг Президент Ислон Каримов коллежнинг ўқув хоналари, устахоналари, қишки ва ёзги спорт майдончаларини кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз дарсхоналарнинг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланганлигидан мамнуният билдириб, бундай даргоҳда таълим олаётган ёшлар она Ватан кутган буюк мақсадларни рўёбга чиқарадиган инсонлар бўлиб етишишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

- Таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида ўзгартириб, XXI аср бў-

сағасида эртанги кунимизни таъминлайдиган, келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори бўладиган, бу соҳадаги пала-партишликларга барҳам берадиган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширмоқдамиз,- деди, жумладан, Президент.


- Шу боис ҳам бу масалага - академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилишига давлат ва миллат манфаати нуқтаи назаридан қараш лозим. Зеро, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бундай ўқув

масканларини бунёд этиш билан биз келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини қуришимиз. Айнан шу тушунча барчамизнинг онгимизга кириб борса, унинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамиятини англаш, олдимизга қўйган мақсадимизга етамиз.

Бугун амалга оширган ишларимизни кечаги кунимизга солиштирсак, албатта, катта ютуқларга эришганимизни кўрамиз. Агарки, эртанги кун нуқтаи назаридан қарасак, бу соҳада ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Бундай муҳташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўётганимизни кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига албатта етади. Илгари айтган тилагимни яна такрорлайман: бундай масканларда таълим оладиган болаларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўладилар.

(ЎЗА).

• Қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежида яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги суҳбатни газетанинг 7-бетида ўқийсиз.



Республикамизнинг кутлуг байрамларида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Юртбошимиз совғаларини топшириш яхши аъна тусини олганлиги қувонарли ҳолдир. Бу гал ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида 21, 23, 24 ва 30-меҳрибонлик уйларига Президентимиз совғалари — 4 миллион сўмлик ҳажмдаги мебеллар тўплами топширилди.

... 21-меҳрибонлик уйда меҳмонларни кутиб олиш учун эрта тонгданок тайёргарлик кўра бошлашди. «Гулибону» рақс дастаси аъзолари чиройли либосларни кийишди, санъат фидойиси Ришат Фафуров 30 йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари оркестри созандалари ўз чолғуларини созлашди.

Ва ниҳоят ётоқ гарнитурлари юкланган машина ҳовлига кириб келди. Мабеллар тушириб олинган, хайрия совғасига миннатдорчилик сифатида кувноқ мусиқа садолари остида чиройли кийинган қизлар шўх ўйинларга тушишди.

Тошкент шаҳар ҳокими-

нинг ўринбосари Эркин Эрназаров шаҳар ҳокимлиги номидан Меҳрибонлик уйи жамоасини мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги билан табриклади. У Меҳрибонлик уйидаги барча бо-

тиқ болалар тарбияланмоқда. Уларнинг таълим ва тарбия олишларида руҳиятшунос Елена Плешакова, Малика Бахрутдинова, Светлана Комиссарова, Надежда Милашенка, Мақсуда Буха-

либлар эса «ЎртаОсиёранглиметенерго» ҳиссадорлик жамиятининг «Непту» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди. Чунончи, ушбу ҳиссадорлик жамияти меҳрибонлик уйининг ягона ҳомийси эмас. Мана, ўн йилдирки, Оқтошдаги болалар оромгоҳини таъмирлаб берган, телевизор совға қилган «Дорбат» хусусий фирмаси болалар масканига беғараз кўмак бермоқда. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси эса бу йил таъмирлаш ишларига миллион сўм ажратди.

Тошкент шаҳри ва вилояти Меҳрибонлик уйлари васийлик кенгаши раиси, «Вита» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасининг президенти Ф. Раҳимов ҳам жамоага ўз кўмагини кўрсатмоқда.

Ҳа, кадрдон мамлакатининг ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги остида ўсаётган болалар келажаги буюк давлатни бунёд этиш жараёнида фаол қатнашишга азму қарор қилганлар.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: Президент совғаларини Меҳрибонлик уйига топшириш тантаналаридан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Президент совғалари

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ТУҒИЛГАН АНЪАНАЛАР

лаларнинг ҳаётлари бахтли кечиб, келажақда турмушда ўзларининг муносиб ўринларини топишларига тилак билдирди. Шунинг таъкидлаш керакки, халқ таълими соҳасида кечаётган хайрли ўзгаришлар ҳар бир тарбияланувчи учун 9-синфни тугатганидан сўнг кенг истиқболлар очади — улар нуфузли касбларни ўзлаштиришлари мумкин. Улар учун кўплаб янги замонавий коллежлар ва лицейлар очилмоқда.

Икки оғиз ушбу Меҳрибонлик уйи тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозир ушбу даргоҳда 200 дан ор-

рова, Людмила Каленюк каби тарбиячиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Педагоглар болаларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашлари, ҳар томонлама ривожланган инсонлар сифатида етишишлари учун бўш вақтлари мазмунли ўтиши мақсадида бор куч-маҳоратларини сарфламоқдалар. Болалар бўш вақтларида «Моҳир кўллар» ва рақс тўгаракларида шуғулланишлари. Меҳрибонлик уйининг камер хори жамоаси бу йил «Ўзбекистон Ватаним — меним» шаҳар танловида иккинчи ўринни эгаллади, го-



ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ҳамда биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн иккинчи сессияси қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар Кенгашига халқ депутатларини сайлаш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Комиссия раиси:

Маликов Фарҳод Латипович — «Нонпаста» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Бахтиёр Рустамович — 17-шаҳар клиник касалхонаси бош шифокори

Абдуллаева Мавлуда Абдуллаевна — П. Ф. Боровский номидаги Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти касаба уюшмаси раиси

Адилов Владимир Тўйчиевич — «Ўзиталмотор» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

Асқаров Алишер Ҳожиевич — 3-автокомбинат директори

Ерзин Ринат Азизович — «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг заводи директори.

Зокиров Ботир Иркинович — «12-қурилиш трести» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

Искандаров Тўлқун Искандарович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори

Шуклин Игорь Васильевич — «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти йиғувчи-елимловчиси.

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги байрами тантаналари кенг нишонланди



Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами - Мустақиллик куни кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғуларига тўлдириб, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Истиқлол байрами биз учун улкан шодиёна ва айни чоғда ортимизга қараб, ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиладиган, уларга муносиб баҳо берадиган кундир. Зеро, мамлакатимизда мустақилликнинг саккизинчи йилида қилинган ишлар, ўтказилган тадбирлар ҳақида баралла гапиришга ҳақлимиз.

Бу борада, энг аввало, буюк бобоқалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг ўтган йил кузда нишонланган таваллуд тўйларини айтиш жоиз. Бу юбилейлар республикамизда бой ўтмиш меросни, алломаларимиз ҳаёти ва ижодини, қадим аъёнларнинг ўрганишга, тарғиб этишга, ёшларимизни бу бебаҳо хазина асосида тарбиялашга нақадар катта эътибор берилётганининг ҳақиқий ифодаси бўлди. Қорақалпоқ халқининг улуғ фарзанди Бердақ юбилейи ҳам ана шу силсиланинг бир бўғинидир.

Президентимиз ташаббуси билан аъёнларнинг тарзда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон кўшиқ байрами бу йил ҳам то маънодаги оммавий санъат шодиёнаси сифатида нишонланди. Унинг доирасида ўтказилган «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танлови эса, ҳар йилгидек, янги истеъдодлар кашф этилишига, она юртини васф этадиган, санъатга шайдо халқимизнинг руҳини янада кўтарадиган кўшиқлар яратилишига хизмат қилди.

Куни-кеча қадим Самарқандда яқунланган «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали миллий санъат ҳамшиша барҳаётлиги, ажиб ва сирли Шарқ мусиқаси - Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисми, бутун инсониятнинг бебаҳо мероси эканлигининг яна бир намоиши бўлди.

Истиқлолнинг саккизинчи йилида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида амалга оширилган ишлар ҳам асрларга татигулик.

Ўрта Осиёда ягона автобус заводи - «СамКочавто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши бутун мамлакатимизнинг энг йиригидир. Одамларнинг оғирини енгиб, узогини яқин қилишдек хайрли мақсадда ташкил этилган корхонанинг мўъжаз автобуслари ҳозирдаёқ шаҳарларимиз кўчаларида кўзни қувнатиб юрибди. Бежирим, қулай, тезкор ва замонавий машиналарда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзувни ўқиб, Ватанимиз севган ҳар бир инсоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Одамлар оғирини енгиб қилиш каби эзгу мақсад Хўжабод ер ости газ омборига ҳам хос. Бу асрлар давомида ўтин ёқиб қозон қайнатган аёлларимиз учун улкан туҳфа. Газ омборининг фойдаланишига топширилиши билан нафақат бутун Фарғона vodiysida газ таъминоти яхшиланди, балки хорижга ҳам «зангори олов»ни экспорт қилиш имкониятлари ортди.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ мамлакатимиз шаҳар ва туманларида бунёд этилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари истиқлол шарофати ила баркамол авлодни

тарбиялаш йўлида қўйилаётган қадимлар самарасидир. Замонавий ўқув қўлланмалари ва усуналари билан жиҳозланган бу таълим даргоҳларида келажагимиз бунёдкорлари тахсил олмақда.

Ўтган йил истиқлолимиз учун синов даври бўлди. 16 февралдаги мудриш воқеалар барчамизни хушёрликка ва огоҳликка, мамлакат тақдирини учун бефарқ бўлмасликка чорлаб, мустақиллик дунёдаги энг улуғ неъмат эканлигини, уни кўз қорачигидек асраб авайлаш лозимлигини кўрсатди.

Халқимиз 1 сентябрь - Мустақиллик кунига ана шундай ютуқ ва сабоқлар билан келди.

31 август, соат 19.30.

Ўзбекистоннинг Бош майдони - Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерга республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар раҳбарлари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг меҳмонлари ва катнашчилари тўпланган. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентини олачилар билан кутиб оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бошланиши ҳақида дарак берувчи садолар янгради.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари улуғ ва муқаддас байрам билан бутун мамлакатимиз аҳлини кизғин табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилди.

Улкан сахнада энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланган театрлашган томоша бошланди.

Янги авлод - Имом Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Улугбек ва Навоийнинг набиралари - истиқлол фарзандларидир. Эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаяётган фарзандларимиз ўзининг мурғак қалбида туғилган орзулар ҳақида куйлайди. Чунки, мустақил Ватанимизда бу орзуларнинг рўёбга чиқиши учун барча шароит муҳайё. Яхши ният - ярим давлат дейди халқимиз. Ватанимиз чечакларининг пок ниқтлари эса, албатта, амалга ошажак.

Сахнада Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолитдин Мангуберди, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир сиймолари пайдо бўлади. Хур Ватан учун жонини қурбон айлаган, мустақил тузум даврида қатагонга учраб, номлари унутилаётган халқ қаҳрамонлари истиқлолдан сўнг юртимизга қайтди. Уларнинг мислсиз жасорати, ўтмиш ва келажақдан, миллийлик ва ўзликдан сабоқ берувчи мероси халқимиз қалбидан мангу юри олди. Республикаимиз ҳукуматининг мустақиллик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида халқимизнинг асл фарзандлари, онаюрт эркининг посбонлари хизмат қилади. Уларнинг сахна бўйлаб шаҳдам қадамлар билан ўтишларини, юзларидаги ишонч ва мардонаворликни кўриб, бу йиғилар Ватанимизга қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифага сўнгги нафасларигача содиқ қолишлари амин бўласиз.

Сахнага мамлакатимиз доверуғини жаҳонга таратаётган спортчилар кириб келади. Ўзбекистонлик бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рис-

киев, Олимпиада чемпиони Лина Черязова, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Ақобир, Тоштемур, Камол полвонлар, бошқа таниқли спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари ҳар бир ватандошимиз қалбиде чексиз гурур уйғотади.

Зеро, ҳар бир муваффақият Алломишлар юртининг қадим шукратини тиклашга ҳисса қўшади. Куни-кеча АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида республикамиз боксчилари кўлга киритган олтин ва кумуш медаллар ҳам Ўзбекистон спорт мактаби улкан салоҳиятга эга эканлигининг исботидир.

Ўзбекистон санъатида Шарқ Фарб маданияти уйғунлашган. Европа классик санъатининг юксак намуналари ўзбек санъаткорлари томонидан маромида ижро этилиб, ривожлантирилган. Республикаимиз балет мактаби вакиллари чикишларида айнан шу гоё ифода этилди.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари эмин-эркин яшаши ҳам Мустақиллик неъматидир. Хур Ватанимизда уларнинг миллий-маданий меросини ва тилини сақлаш, ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Байрам томошасида уларнинг кўшиқ ва рақслари ҳам халқлар дўстлигининг ҳақиқий намоишига айланган кетди.

Аъёнага кўра байрам тантаналарида ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган санъат усталари, ижрочи ёшларнинг куй ва кўшиқларида, фольклор-этнография ансамбллари чикишларида бой миллий санъатимизнинг бетакор қирралари намоён бўлади.

Ўзбекистон эстрадасининг юлдузлари ва санъат оламига эндигина қадам қўйган ёш хонандаларнинг кўшиқларидаги асосий мавзу - Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачигидек асраш туйғусидир.

Шу боис ҳам, кўшиқлардан беридаги «Фидойинг бўлғаймиз сенинг, Ўзбекистон!» сўзлари ҳар биримиз учун қадрдон ва айни пайтда долзарб. Улар бизни тупроғи олтин, суви зар шу юртимиз учун ҳар он жонни фидо айлашга чорлайди. Зеро, Ўзбекистондек серқуёш ва саховатли ўлкани бутун жаҳонда асло топиб бўлмағай!

Кўнгишларга шодлик ва сурур улашган байрам тантаналари ранг-баранг мушакбозлик билан яқунланди.

Беҳзод УСМОН,
Ўза мухбири

31 август кунини пойтахтимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдонида катта шодиёна билан бўлиб ўтган байрам тантаналари биринчи сентябрь кунини бутун халқимизда давом этди. Тошкентнинг барча майдонларида санъаткорларнинг чикишлари, мароқли учрашувлар, сайиллар то кечгача давом этди. Ҳаммининг қалбиде шуқуқ, кўзларида бир олам қувонч жилваланди ушбу кун. Бинобарин, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми бўлган Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами шодиёналари узоқ вақт қалбларимизда акс садо бериб туражак!

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан кўринишлар.

Рустам Шарипов
олган суратлар.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ўзбек халқи номига Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан давлат раҳбарларидан, дунёнинг турли бурчакларидаги жамоат ташкилотлари, бошқа ташкилотлардан, одамлардан дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келиши давом этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидан Мустақиллик куни шарафига 1 сентябрь кунини Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг бошлиқлари учун қабул маросими ўтказилди.

• 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ўртасида телефон суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия муҳофаа вазири Игорь Сергеевни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан бокс бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаровга ва бокс бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳибдори Тўлқин Турғуновга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди.

• Ўзбекистон аҳли пойтахт аэропортида Американинг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Х жаҳон чемпионати ғолиблари — Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Тўлқин Турғуновларни кутиб олди.

• **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар ўтказувчи сайлов округларини тузиш, мазкур сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг молиявий таъминоти тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида 14 та сайлов округини тузди.

• **Бугун** республика матбуотида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

• Мамлакатимизнинг барча бурчакларида Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда янги «Тошкент Плаза» савдо марказининг тақдими бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизнинг сўлим оромгоҳларидан бири бўлган «Боғи Эрам» истироҳат боғи қайта таъмирлашдан сўнг шаҳримиз аҳли ва меҳмонларига яна ўз эшикларини очди.

• Бухорода янги «Хумо» теннис мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлди.

• Самарқандда иккинчи халқаро «Шарқ тароналари» мусиқий фестивали ниҳоясига етди.

• Мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йиллиги муносабати билан Тошкентда илк бор «Гуллар байрами» ва гул мушоираси ўтказилди.

• Пойтахтимизнинг Бобур номи боғида республика мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган «Ноз-неъматлар» кўргазмаси очилди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги музейи очилди.

• Янги ўқув йили арафасида Тошкентда «Ўзбекистоннинг географик атласи» чоп этилди.

ЖАҲОНДА

• **Кеча** Москвада Россия ва Молдова Президентлари Б. Ельцин ва П. Лучинскийларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

• Россия Бойкўнғир космодромидан бундан буён фойдаланиш тўғрисида Қозоғистон билан келишиб олди.

• Туркменистон Президенти С. Ниёзов 2001-2002 ўқув йилида республикадаги ўрта мактабларни 9 йиллик таълимга босқичма-босқич ўтказишни ниҳоясига етказишга қарор қилди.

• Шу йилдан бошлаб АҚШдаги ўқув муассасаларининг қўйи синфларида биринчи бор мактаб формаси жорий этилди.

• Туркия парламенти маҳбусларга умумий афв бериш ҳақида қонун қабул қилди.

• Яман пойтахти Сана шаҳридаги «Сити-сентер» савдо маркази кучли бомба портлашдан ларзага келди. Маълумотларга қараганда, портлаш натижасида ўнга яқин киши ҳалок бўлган.

• Москвада, Манеж майдонидаги ер ости савдо мажмулда портлаш рўй берди. Ҳалок бўлганлар йўқ, 40 нафардан ортиқ киши турли даражадаги жароҳат олди. Тергов ишлари олиб борилаётганда.

• Буюк Британия нефть биржасида бир баррел нефть баҳоси 2,5 фоизга ошиб, 20,76 долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин орада нефть нархи яна ошади.

• Черкасда бўлиб ўтган митингга унинг қатнашчилари Чечкас автоном республикаси тузилганлигини эълон қилдилар.

• Буэнос-Айрес аэропортида маҳаллий авиакомпанияга қарашли «Боинг-737» йўловчи самолёти осмонга кўтарилиш пайтида фалокатга учради. 80 дан зиёд киши ҳалок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!



(Давоми. Боши 1-бетда). ўнгимиздан ўтади. Бизнинг, катта авлод вакилларининг ўзимизнинг қандай шароитда, қандай бино ва дарсхоналарда, қандай дарслигу жиҳозлар ёрдамида, хуллас, нақадар оғир аҳволда билим олганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

Янги ўсиб келаётган авлодни ўз бағрига қабул қилишга тайёр бўлган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо янги ўқув масканини кўрар эканмиз, бундай имкониятларга эга бўлишимиз, аввало, мустақиллик туфайли эканини барчамиз яхши англаймиз, деди Йўлбошчимиз.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларимиз бир ҳақиқатни тобора чуқур англаб етмоқда. Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замон талабларидан орқада қолмас-

лик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, истиқболимиз ва иқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, ўрнимизга келатган ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар этиб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга бугунги кунда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳеч қандай маблағ, ҳеч қандай сармояни аямасдан болаларимиз учун, азиз фарзандларимиз учун мана шундай бинолар, ўқув юртарини қурмоқдамиз.

Мана шундай қурилишларни амалга оширар эканмиз, биз шу билан ўз келажагимиз пойдеворини қурмоқдамиз, ўз истиқболимизни яратмоқдамиз, десак ҳеч қандай мубола-

ға бўлмайди, деди Президент Ислоҳ Каримов.

Маросимда сўзга чиққан Оқтепа маҳалласи оқсоқоли М.Рихсиев, «Пахтакор» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Салимова, коллеж ўқувчиси Д.Ҳақимова ёшларимиз таълим ва тарбиясига берилатган юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилдилар.

Шундан сўнг Президент Ислоҳ Каримов коллежнинг ўқув хоналари, устахоналари, қишки ва ёзги спорт майдончаларини кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз дарсхоналарнинг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланганлигидан мамнуният билдириб, бундай даргоҳда таълим олаётган ёшлар она Ватан кутган буюк мақсадларни рўёбга чиқарадиган инсонлар бўлиб етишишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

- Таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида ўзгартириб, XXI аср бў-

сағасида эртанги кунимизни таъминлайдиган, келажагимизнинг мустақкам пойдевори бўладиган, бу соҳадаги пала-партишликларга барҳам берадиган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширмоқдамиз,- деди, жумладан, Президент.


- Шу боис ҳам бу масалага - академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилишига давлат ва миллат манфаати нуқтаи назаридан қараш лозим. Зеро, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бундай ўқув

масканларини бунёд этиш билан биз келажагимизнинг мустақкам пойдеворини қуриямиз. Айнан шу тушунча барчамизнинг онгимизга кириб борса, унинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, олдимизга қўйган мақсадимизга етамиз.

Бугун амалга оширган ишларимизни кечаги кунимизга солиштирсак, албатта, катта ютуқларга эришганимизни кўрамиз. Агарки, эртанги кун нуқтаи назаридан қарасак, бу соҳада ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Бундай муҳташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўяётганимизни кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига албатта етади. Илгари айтган тилагимни яна такрорлайман: бундай масканларда таълим оладиган болаларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўладилар.

(ЎЗА).

• Қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежида яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги суҳбатни газетанинг 7-бетида ўқийсиз.



Республикамизнинг қутлуғ байрамларида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Юртбошимиз совғаларини топшириш яхши анъана тусини олганлиги қувонарли ҳолдир. Бу гал ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида 21, 23, 24 ва 30-меҳрибонлик уйларига Президентимиз совғалари — 4 миллион сўмлик ҳажмдаги мебеллар тўплами топширилди.

... 21-меҳрибонлик уйда меҳмонларни кутиб олиш учун эрта тонгданок тайёргарлик кўра бошлашди. «Гулибону» рақс дастаси аъзолари чиройли либосларни кийишди, санъат фидойиси Ришат Фафуров 30 йилдан бери раҳбарлик қилиб келатган пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари оркестри созандалари ўз чолғуларини созлашди.

Ва ниҳоят ётоқ гарнитурлари юкланган машина ҳовлига кириб келди. Мебеллар тушириб олинган, хайрия совғасига миннатдорчилик сифатида қувноқ мусиқа садолари остида чиройли кийинган қизлар шўх ўйинларга тушишди.

Тошкент шаҳар ҳокими-

нинг ўринбосари Эркин Эрназаров шаҳар ҳокимлиги номидан Меҳрибонлик уйи жамоасини мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги билан табриклади. У Меҳрибонлик уйидаги барча бо-

тиқ болалар тарбияланмоқда. Уларнинг таълим ва тарбия олишларида руҳиятшунос Елена Плешакова, Малика Бахрутдинова, Светлана Комиссарова, Надежда Милашенка, Максуда Буха-

либлар эса «ЎртаОсиёрангиметэнерго» ҳиссадорлик жамиятининг «Нептун» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди. Чунончи, ушбу ҳиссадорлик жамияти меҳрибонлик уйининг ягона ҳомийси эмас. Мана, ўн йилдирки, Оқтошдаги болалар оромгоҳини таъмирлаб берган, телевизор совға қилган «Дорбат» хусусий фирмаси болалар масканига беғараз кўмак бермоқда. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси эса бу йил таъмирлаш ишларига миллион сўм ажратди.

Тошкент шаҳри ва вилояти Меҳрибонлик уйлари васийлик кенгаши раиси, «Вита» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасининг президенти Ф. Раҳимов ҳам жамоага ўз кўмагини кўрсатмоқда.

Ҳа, кадрдон мамлакатининг ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги остида ўсаётган болалар келажаги буюк давлатни бунёд этиш жараёнида фаол қатнашишга азму қарор қилганлар.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: Президент совғаларини Меҳрибонлик уйига топшириш тантаналаридан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Президент совғалари
МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ
БИЛАН ТУҒИЛГАН АНЪАНАЛАР

лаларнинг ҳаётлари бахтли кечиб, келажақда турмушда ўзларининг муносиб ўринларини топишларига тилак билдирди. Шунинг таъкидлаш кераки, халқ таълими соҳасида кечаётган хайрли ўзгаришлар ҳар бир тарбияланувчи учун 9-синфни тугатганидан сўнг кенг истиқболлар очади — улар нуфузли касбларни ўзлаштиришлари мумкин. Улар учун кўплаб янги замонавий коллежлар ва лицейлар очилмоқда.

Икки оғиз ушбу Меҳрибонлик уйи тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозир ушбу даргоҳда 200 дан ор-

рова, Людмила Каленюк каби тарбиячиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Педагоглар болаларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашлари, ҳар томонлама ривожланган инсонлар сифатида етишишлари учун бўш вақтлари мазмунли ўтиши мақсадида бор куч-маҳоратларини сарфламоқдалар. Болалар бўш вақтларида «Моҳир қўллар» ва рақс тўгаракларида шуғулланидилар. Меҳрибонлик уйининг камер хори жамоаси бу йил «Ўзбекистон Ватаним — маним» шаҳар танловида иккинчи ўринни эгаллади, го-



ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ҳамда биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн иккинчи сессияси қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар Кенгашига халқ депутатларини сайлаш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Комиссия раиси:

Маликов Фарҳод Латипович — «Нонпаста» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Бахтиёр Рустамович — 17-шаҳар клиник касалхонаси бош шифокори

Абдуллаева Мавлуда Абдуллаевна — П. Ф. Боровский номидаги Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти касаба уюшмаси раиси

13.50 «Ўзбек мумтоз шеърятидан».
13.55 «Премьерадан сўнг».
14.15 «Мусиқий лаҳзалар».
14.25 «Шу куннинг мавзуиси».
14.45 «Тарзан». Телесериал.
15.30 «Спорт китъаси». Теннис.
16.00 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», мульттомоша)
18.35 «Кинотакдим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда.
19.35 «Хайрат».
19.55, 20.35, 23.15 Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.00 «Юлдузлар олами». Хусниддин Холиқов.
21.20 «Матбуот».
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалда.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Кўнгилик кўнгилик пайванд».
23.20 Синема «Ҳисоби никоҳ».
Комедия.
00.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «ТВ ва театр».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.50 «Ёшлар худуди».
10.20 Болажонлар экранни.
11.30 «Ибрат».
12.00 «Ҳамшаҳарлар».
12.25 «Бева Бланка». Телесериал.
13.10 «Янги ой чиққан кеча».
13.35 Кинонигоҳ.
15.15-16.00 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Немис шарҳи».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сехрли сандиқча».
18.20 «Ёшлар кўчасида».
18.40 «Мисли гавҳар».
19.05 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Таянч».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Соммерсби». Бадий фильм.
11.05 «Жонли сайёра». «Тасис» дастури намойиш этади.
«Азамат» лақабли Флорида қоплони».
11.35 «Шарқ тароналари. II Халқаро мусиқа фестивали».
12.05 «Болалар олами».
12.20-13.40 «Биргалиқда куйлаймиз». Финал

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 Пьер Ришар «Бу мен эмас, у...» комедиясида.
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хужжатлар». Сериал.

22.15 «Бу ажиб дунё».
22.30 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.35 «Келинг «Гасинг» ўйнайлик!».
22.45 Кинематограф. «Йўлбарс ва мушукча». Кинокомедия.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.

10.40 Болалар учун фильм.
11.35 «Довжораклар спорти». Спорт дастури.
11.45 «Клип-совгача».
12.00 «Тўшқи кино».
14.15 «30-канал»да премьераси.
«Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал(Австралия).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал(Канада).
20.20 «Клип-совга».
21.30 «Хафта фильми».
23.15 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

6.30 Татьяна Друбич, Лев Дуров ва Зиновий Гердт «Ута хавфли» ўткир сюжетли фильмида.
7.55 Мультсеанс.
8.00 «Рухоний сўзи». Митрополит Кирилл.
8.15 «Хонаки кутубхона».
8.30 «100%» дастури.
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.15 «Тонгги почта».
9.50 «Альф». Оилавий комедия премьераси.
10.20 «Смак».
10.45 «Сихат-саломатлик».
11.10 «Эслашлари учун...» Людмила Целиковская. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
11.55 Людмила Целиковская «Эгизаклар» комедиясида.
13.15 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
14.15 «Хайвонот оламида».
14.55 Бу қандай бўлган эди? «Н. Хрущёвнинг зиёлилар билан учрашуви». 1962 йил.
15.40 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
15.50 Кумуш серия. «Ол, қўлим» машҳур комедиясида полякча ўғирлик.
17.40 Футбол. Россия чемпионати. «Алания» (Владикавказ) — «Локомотив» (Москва). Танаффуз пайтида (18.50) — Янгиликлар.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хужжатлар». Сериал.
22.15 Биринчи канал коллекцияси. Алан Паркернинг «Комитментс» гуруҳи фильми.

РАТ

7.00 «Сариқ Майкл саргузаштлари». Болалар учун фильм.
8.30 «РАТ почтаси».
9.00 «Хайрли тонг, юртим!».
9.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.00 «Юзга бир». Телеуйин.
10.45 «Хушхабарлар».
11.15 «Олтин калит».
11.30 «Фонтан». Ҳажвий дастур.
12.00, 20.00 — «Вести».
12.20 «Федерация».
13.00 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
14.00 «Жониворлар ҳақида му-

лоқотлар».
15.00 «Отам, онам, мен-спортчилар оиласи».
16.00 «Акуна матата».
17.00 «Менинг оилам».
18.05 «Икки рояль».
18.55 «Аншлаг» ва Ко.
20.45 Геннадий Корольков ва Борис Химичев «Шарпа» жангари фильмида.
22.35 «К-2» таништиради.

ТВ-6

9.05, 19.30, 23.55 — «Йўл назорати».
9.20 Мультфильм.
9.40 Мультсериал.
10.05 «Эртақлар театри». Сериал.
11.55 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
12.50 «Диск-канал».
13.30 ТВ-6 кинотеатри. «Солистка учун дуэт».
15.20 «Нью-Йорк, Нью-Йорк».
15.50 «Титрлар: Михаил Глузский».
16.15 «ОСП-студия».
17.10 «Флиппер III». Сериал.
18.00 «ТСН-6».
18.05 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
18.20 «Мен ўзим» ток-шоуси.
19.50 «ТВ-6» кинотеатри.
«Қонли тош». Саргузашт фильми.
21.20 «СВ-шоу».
21.55 «ТВ-6» кинотеатри. Кристофер Ламберт «Шимол юлдузи» фильмида.
23.30 «Хафта одамлари».
00.10 «Шу куннинг олти янгилиги».
00.20 «Обоз».
01.55—03.20 «Плейбой».

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Алла».
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Нурли келажак».
11.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
11.50 «Эл тинчлиги йўлида».
12.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» — «Дўстлик».
13.00 Н. Норқобилов. «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
14.00 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» VI Халқаро турнирдан репортаж.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.50 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.05 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 Н. Норқобилов. «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 7-қисм.
23.30 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.

«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.45 Кино янгиликлари.
24.00 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
00.20 «Борже узуги». Бадий фильм. 3-4 сериялар.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 79-қисм.
11.15 «Ёшлар» телеканалда.
11.20 «Гулбахор Эрқулова куйлайди».
11.40 «Марду майдон».
12.00 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
12.10 «Лаззат».
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
12.50 «Рамаяна». Телесериал.
13.25 «Чироғи ёнқ уйи».
13.45 «Тасис» дастури намойиш этади: «Биз инсонмиз».
14.15 «Шукрона».
14.25 Болалар учун фильм.
15.35 «Ёнмаган ёзувлар».

15.55 «Мусиқий лаҳзалар».
16.05 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус», мульттомоша)
18.40 «Кўша қаринг».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Жараён».
19.45, 20.25, 23.35 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Синфдош».
20.50 «Дунё ҳафта ичида».
21.10 «Очун». Мадаминбек 1-қисм.
21.30 «Спорт ҳафтанома».
21.50 «Каталог».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканални.
22.35 «Азиз юртим». («Шаҳзод» гуруҳи)
23.40 Синема. «Мэрия».
01.20 «Тонг юлдузи!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» клубида кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
9.25 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экранни.
11.00 «Хусусийлаштириш: қаддам-бақаддам».
11.20 «Нафосат гулшани».
11.45 «Бева Бланка». Телесериал.
12.30 «Туризм ҳақида».
13.00 «Сухбатдош».
13.25 «Жавоҳирлар соҳили».
13.40 «Спорт-тайм».
14.05-15.40 Такрорий фильмлар экранни.

17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Латифа».
18.45 «Камолот сари».
19.05 Табриқлаймиз, кутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Ватани севмоқ — иймондандур».
21.45 «Дилором наволар».
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.50 «Ииллар ортидаги йўллар».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Йўлбарс ва мушукча». Бадий фильм.
13.00 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
13.10-13.55 «Дўстлик» видео-канални. «Айчурек», «Дидар».

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Тенгдошлар».
17.55 «Бу ажиб дунё».
18.10 «Олтин серия». «Мимино» комедияси.
20.00 Мюзик-холл.
20.20 «Кинопрофи».
20.40 «Интернет худуди».
20.55 «КВН-99».

23.30 Лаки-Страйк намойиш этади. «Аризона тарбияси». Бадий фильм.
01.00 «Тахлилнома» (рус тилида)

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совгача».
12.00 «Тўшқи кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг». Интеллектуал ўйин.
17.35 «Кинопанорама. Учрашувлар».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт сериал(АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеомода.

РЖТ

6.30 «Жанговар машина экпажи» фильми.
7.35 «Дехқон ахборотномлари».
8.00 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин!».
8.30, 15.35, 16.00 — «Дунё-клуб».
9.00, 14.00 — Янгиликлар
9.15 «Ҳамма уйдалигида»
9.50 «Альф». Оилавий кино дия премьераси.
10.25 Дм. Криловнинг «Й да ёзилмаган қайдарлар».
10.40 «Россияга хизмат ланам!».
11.15 «Тонг юлдузи».
12.00 «Кусто командасин барча саёҳатлари». Сери.
12.50 «Янгра, гармонь!».
13.20 Евгений Петросян «Кулги панорамаси».
14.15 «Саёҳатчилар клуб»
15.05 Федор Конюхов I-рей Макаревичнинг «А-жур» дастурида.
16.30 «Шошилич қақир». Кутқарувчилар.
17.00 Ирина Роднина: «Муз, ҳам кўзёшлар, ҳам и-ги».
18.00 «Аралаш-қурал» журналидаги қувноқ валлар.
18.10 Олтин серия. Ба. Фрунзик ва Лариса Иванова «Мимино» комедияси.
20.00 Сергей Доренкис муаллифлик дастури.
20.55 «КВН-99». Юрмада мусиқий фестиваль.
23.30 Тунги детект.
«Майк Хаммер: етти ик кўз». Сериал.

РАТ

7.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
7.30 «Хазиналар ороли» ороллари дам олиш-маърий дастури.
8.30 «Бола тилидан» телеуйин.
9.00 «Хайрли тонг, юри!».
9.30 «Аншлаг» ва Ко.
10.30 «Эҳтиёт бўлинг, дерн!».
11.00 «Рус лотоси».
11.40 «Леонид Куравликов олами билан»
12.00 «Вести».
12.20 Хоккей бўйича Исия чемпионатининг очиси. «АСК» (Санкт-Петербург) — «Динамо» (Москва). икт-Петербургдан олиб қўйилади.
15.00 «Эски кварца». 1991-йил. 2-қисм.
16.00 Краковда ўтқалган Халқаро кинофестивалнинг Бош совриндори «Вест» хужжатли фильми.
17.00 «Николай Рижков Элъдар Рязановнинг «рес-сиз қиз» комедияси»
18.40 «Кўзгу» олдида
18.55 «Энгил атлетика» «Олтин лига». Финал. Мхендан олиб кўрсатилади.
20.25 «Навбатчи қис»
21.00 «Кўзгу».
22.00 Экранда жаҳбестселлери. Даниэллатель, Настасья Кински влайкл Йорк «Халка» мелодиясида (АҚШ). 1-қисм.
23.45 Агата Кристиуаро. «Ари уяси» (Буюк Брания).

ТВ-6

9.05, 13.25, 19.30 «Йўл назорати».
9.20, 16.35 — Мулфильмлар.
9.30 «Эртақлар теа». Сериал.
11.25 «Диск-канал»
12.00 «Мазаси оғзда қолади» кўрсатуви.
12.30 «Канон».
13.00 «Хафтанинг с янгилиги».
13.45 Star старт.
14.15 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.25 ТВ-6 кинотри. М. Козаков, С. Чиаурэ «Хотолар комедияси» фмида.
16.45 «Спартак» — мпион!
17.15 «Юлдузлар дузлар ҳақида».
17.45 «Сифат бели».
18.35 «Хафта ҳалқлари».
19.50 «Бис». Кув кўрсатув.
20.20 «Сиз-шоҳид».
20.55 «Обозревате» тахлил кўрсатуви.
21.50 «ТВ-6» китеатри. Ален Делон «Уччи йўқотинг» детективид;
23.35 «Бизнинг мусиқа: Академия» кабардуэти.
00.35 «ТСН-спорт»
00.50— 02.25 Тў сеанс. Эротик комедия.

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ



Бизнинг суҳбат

ТАЪЛИМНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Мақтабларнинг 7—11-синфлари учун Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, конституциявий ҳуқуқ сингари китоблари айна кунларда чоп этилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ўқув йили давомида ушбу китоблар ўқувчиларга етказилади.

Ўтган 1998-1999 ўқув йили таълими тизимида жуда катта ислохотлар йили бўлди. Бу йил ҳам ислохотлар давом эттирилади. Бу йилда умумурта таълим муассасаларининг муваққат намунавий низоми ишлаб чиқилди. Уни ўрганиб чиқиб, мослаштирилиб мутахассисларнинг баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими ҳақидаги низом ҳамда рейтинг тизимини тажриба синовидан ўтказиш тартиби ишлаб чиқарилди. Вазирликнинг қарорига мувофиқ ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими шаҳардаги 246 ва 4 умумтаълим мактабларининг 1—9-синфларида синовдан ўтказилади. Бизда тарихда биринчи бўлиб 1-синфда ҳам ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб бу тизим синовга қўйилади.

Шунингдек, ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими ҳақидаги низом ҳамда рейтинг тизимини тажриба синовидан ўтказиш тартиби ишлаб чиқарилди. Вазирликнинг қарорига мувофиқ ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими шаҳардаги 246 ва 4 умумтаълим мактабларининг 1—9-синфларида синовдан ўтказилади. Бизда тарихда биринчи бўлиб 1-синфда ҳам ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб бу тизим синовга қўйилади.

Шунингдек, ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими ҳақидаги низом ҳамда рейтинг тизимини тажриба синовидан ўтказиш тартиби ишлаб чиқарилди. Вазирликнинг қарорига мувофиқ ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими шаҳардаги 246 ва 4 умумтаълим мактабларининг 1—9-синфларида синовдан ўтказилади. Бизда тарихда биринчи бўлиб 1-синфда ҳам ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб бу тизим синовга қўйилади.

Ўқувчиларни жаҳон андозаларига, замон талабига жавоб берадиган китоблар билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Шу боисдан 5 синфлар учун адабиёт, немис тили, математика, рус тили, материклар ва океанлар географияси, 7-синфларга зоология, 7, 9, 11-синфлар учун эса Ўзбекистон тарихи каби янги оригинал дарсликлар яратилди.

Режага кўра янги ўқув йилидан бошлаб илк маротаба 1, 4-синфларда ўқувчиларни Ватанга садоқат, миллий ғурур руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон ифтихори, 5, 6-синфларда Ватан туйғуси, 7, 9-синфларда эса маънавият асослари ўқув фанларини ўқитиш жорий этилмоқда.

Мазкур ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 6-синфлари ҳам барча фанлар 1—5 синф ўқувчилари каби янги лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ўқишни бошлайдилар. Бу масъулиятни ишни амалга ошириш мақсадида барча ўқитувчи-

лар қайта тайёрларликдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил июль ойида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари учун ягона таянч ўқув режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси умум таълим муассасалари учун 1999-2000 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси ҳам диққатга сазовордир.

Мустақиллик йиллари жамиятимизда маънавий ва маърифатни ривожлантириш, айниқса ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан шунинг учун янги ўқув йилида мазкур йўналишдаги ишлар тубдан ташкил этилади. Яқиндагина маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Уларнинг иш тартиби ўзгартирилиб, масъулияти оширилди.

Мақтабларда Амир Темур авлодлари, Фидокор ёшлар, Ватан посбонлари сингари қатор клублар фаолият кўрсатади. Тўғрақлар фаолияти билан боғлиқ дастурларнинг янги авлоди яратилиб, тажрибадан ўтказилади. Мақтабдан ташқари муассасаларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб таълим хизмати йўлга қўйилади.

Юқорида қайд этилган янгиликларни талаб даражасида ҳис этиб амалда қўллаш бугунги куннинг сиз — ўқитувчилар, тарбиячию муассаса раҳбарлари, ота-она жамоатчилиги, туман ва шаҳар назорат органларининг олдида турган долзарб масалалардан бири деб ҳисобламоқ лозим. Тажрибадан ўтган стандарт ва дастурларни ўқув тарбия жараёнига жорий этиш асосий вазифалардан биридир. Зеро, Президент Ислам Каримов «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деб бежиз таъкидламаганлар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Мана мактабларда биринчи кўнғироқ жаранглаб, ёзи билан мириқиб хордиқ чиқарган ўғил-қизларни ўз бағрига чорлади. Ўқувчиларнинг янги 1999-2000 ўқув йилида таълим-тарбия олишлари, мавжуд шарт-шароитлар ҳамда ўқитиш тизимидаги ўзгаришлар хусусида шахар Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев қўйидагиларни гапириб берди:

— Айна кунларда шахримизда 339 та мактаб, 540 та мактабгача тарбия муассасаси, 57 та кўшимча таълим маркази, 24 та спорт мактаблари мавжуд, — деди Ҳамидулла Йўлдошев. — Барча мактаблар биринчи кўнғироққа тахт қилиниб, қишки тайёргарлик ишлари эса давом этмоқда. Янги ўқув йилида иккита янги мактаб, яъни Бектемир туманида 840 ўринли, Мирзо Улуғбек туманида эса 360 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 540

ўринга мўлжалланган болалар боғчаси жажжиларининг шодон қийқириқларига тўлди. Бундан ташқари Ҳамза туманида фақат ўзбек болаларигина қабул қилинадиган футбол мактаб-интернати иш бошлайди. Мактаб-интернат шахримизнинг барча туманларидаги барча мактаблардан 4-синфдан болалар иқтидори, жисмоний соғломлигига қараб тест синовлари орқали саралаб олинади. Футбол мактаб-интернати компьютер, радиотармоқ ва барча жиҳозлар билан тўла таъминланмоқда.

Мақтабларни китоблар билан таъминлаш энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. 1999-2000 ўқув йилида фойдаланиш учун 1-синфларга дарслик ва қўлланмалар олиниб, жойларга етказилди. Ўзбек тилидаги мактабларнинг 1-синфлари учун 18 номдаги 599 минг 290 та, рус мактабларига 10 номдаги 216 минг 450 та, қозоқ мактабларига ҳам 10 номдаги китоб — жами 89 миллион 853 минг сўмни ташкил этадиган китоблар ажратилди. 2—11-синф ўқувчилари ҳам жамғарма ва отаналарнинг саъй-ҳаракатлари орқали китоб билан деярли таъминландилар.

Республика Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 1998 йил 5 ноябрда қабул қилинган «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шахримизда шу йўналишдаги ишлар қизгин паллага кирди. 1999 йил 1 августга қадар пойтахтда академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида 3648,6 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 63105 ўқувчи ўрнига эга коллежлар ҳамда 5930 ўқувчига мўлжалланган академик лицейлар янги 1999-2000 ўқув йилида фойдаланишга топширилади. Реконструкция қилинаётган касб-хунар коллежларига кўшимча қурилиш жорий этилган объектларда эса 4210 ўқувчи ўрнига эга иншоотлар иккинчи навбатда ишга туширилади.

Шайхонтохур туманида эса барча замонавий асбоб-ускуналар,

Миллий дастур асосида

ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ўқув жиҳозлари билан таъминланган, 600 ўқувчига мўлжалланган республикамизда ягона янги касб-хунар коллежи Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тантаналарига қурувчиларнинг муносиб тухфаси сифатида фойдаланишга топширилади.

Биз ушбу янги ўқув масканида яратилган шарт-шароитлар билан таъминлаш мақсадида коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Шерқўзи Жуманов билан суҳбатлашдик.

— Бизнинг пойтахт қурилиш-коммунал коллежини ўз соҳаси бўйича республикамизда ягона десак хато бўлмайди, чунки бу билим даргоҳида кўплаб янги соҳа мутахассислари тайёрланади. Энг муҳими, барча соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун зарур ўқув асбоб-ускуналари, анжомлар билан

етарлича таъминлаганмиз. Коллежда ўн та йўналиш бўлиб, ҳар бир йўналиш бўйича 2-3 тадан соҳа мутахассислари тайёрланади. Бу йил коллежга 300 та ўқувчи қабул қиламиз ва улар уч йил давомида сабоқ олишади.

Дарҳақиқат, қурилиш-коммунал коллежга кирган ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади — хоналар кенг, катта, табиий ёруғлиги етарли, ўқувчиларга зарур шароитлар тўғдирилган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, коллежда ўнлаб янги мутахассислар тайёрловчи бўлимлар бор. Газ таъминоти, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни таъмирлаш, ўрнатиш, интэрьер ва жиҳозлар архитектура-си бўйича лойиҳалаш, менежмент, тижорат соҳаси бўйича мутахассисликлар шулар жумласидандир.

Республикамиз хонадонларини ёппасига газлаштириш тўғрисидаги ҳукумат кўрсатмаларига мувофиқ коллежда бу соҳанинг ривожига алоҳида аҳамият қаратилган. Газ соҳасининг бўлғуси мутахассислари универсал этиб тайёрланади. Яъни, газ, электр пайвандчи, чилангар, ҳайдовчилар бир соҳада мужассамланади. Бу эса авария ҳолатларида ҳар хил бехуда овозгарчиликларнинг олдини олади.

Коллежда коммунал хўжалиги учун керакли барча соҳа мутахассислари ҳам кенг дастур бўйича ўқитилади. Бу демак, бўлажак касб эгаси ўз соҳаси бўйича албатта етук ва билимдон мутахассис бўлиб етишади. Коллежда хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган — Бунинг учун 4 та лингафон хоналари мавжуд.

Коллежни айланганимизда футбол, волейбол майдонлари, иккита теннис корти, замонавий қишки спорт залларининг бекаму кўст жиҳозланганини кўриб, очми, бўлғуси ўқувчиларга ҳавасимиз келди.

Яна бир муҳим янгилик — ушбу коллежда дарс берадиган 60 нафар ўқитувчи ўз соҳалари бўйича қайта ўқиб, тегишли сертификатлар олишди.

Барча соҳа мутахассислари бўлиш ўқитувчилар ўз йўналишлари бўйича ўқув режалари дастурини тузишда фаол қатнашдилар. Бу дастурлар эса тажриба тариқасида республикамиз ҳудудидаги барча мос йўналишдаги коллежларга тарқатилган.

Хуллас, хайрли анъанага мувофиқ энг азиз ва қутлуғ байрам арафасида яна бир мукамал Мустақиллигимиз иншооти ўз фаолиятини бошлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Олқишга сазовор диллар.

ОРТГА ҚАЙТМАС
ДАРЁМИСАН БОЛАЛИГИМ

Лирик лавҳа

...Бугун байрам Ойижониси қизалоқни ясангириб қўйди. Янги либосларини кийиб, ўзида йўқ шодланган қизча, кийимни кўз-кўз қилишга шошилиб, кўчага отилди. Кўча эшик олдидаги гулзораро ногаҳон кўзи оппоқ чипор капалакка тушди. Капалакни қувалаб кетди. Капалак қизалоққа тутқич бергиси келмасди. Ҳафсаласи пир бўлган қизча гулларни авайлаб, бир-бир ҳидлади. У табиатга, гуллар исига ва чиройига мафтун эди. Жимитдай қўлчасини гулга узатиб, аста узди ва бағрига босди. Оҳ, нақадар хушхўл урарди шу он, гўзалликка ошуфта гўдак қалби. Иккинчи гулга қувнаб қўл узатди... Учинчисини ҳам узганда, уни меҳр ва ҳавас билан кузатиб турган йигит ва қиз унга томон яқинлашишди. Йигит қизалоқни қўлидаги гуллари билан бирга кўтариб, осмонда «озод» айлангирди ва аста ерга қўйиб, эр-

қалаб: «Гулларинг ўзингдек чиройли ва муаттар, бизга ҳаё қилмайсанми?» Қизча масрур, шодлик билан қўлидаги гулдастани чин кўнгилдан уларга узатди...

Танидим сени... гуллар мафтун сенмидинг, бегубор болалигим?!

...Дугоналари билан чўмилишга борган қизча анҳор бўйида куёшнинг заррин нурлари сувни тилларанг тусга айлангирди, мавжланишига суқланиб, паришон ўтирибди. Шўх бир бола пайдо бўлди-ю «Ҳаҳ, кўр-қоқ, сузишдан кўрқасанми?» дея қалак қилиб, ўзини сувга олди. Қизча шартта ўрнидан туриб, ўзини сувга ташлади ва болага жаж қилиб, оқимга қарши балиқдек сузиб кетди...

Сенмидинг, «гурур маликаси»... менинг болалигим?!...

Дарс тугаб, кўнгирак чалинди. Қизлар, болаларнинг қувноқ чугурлашишлари синфни тутди. Эғнидаги кофта-юбкалари ўзига ярашиб тушган, сочлари дид билан чиройли қи-

либ турмакланган мовий кўз қизгина синфдошларининг қий-чувларига эътибор бермай, бир нуқтага тикилиб, хаёл дарёсида сузмоқда... Шу пайт «шап» этиб қизнинг қўллари орасига тушган атиргул унинг хушини жойига келтирди. Қизнинг нигоҳи ногаҳон эшикка суяниб, унга меҳр-муҳаббат кўзлари билан тикилган партадош йигитчанинг нигоҳи билан тўқнашди... Ёш қалблар ажиб ҳисга тўлиб-тошди...

Балоғат сўқмоқларига етаклаб кузатган, меҳри дарё болалигим чўққиси экансан, билсам!

Болалигим... Сен билан мени шафқатсиз йиллар тўфони ажратиб ташлади. Гоҳида меҳр билан мени ўзинга чорлаб қоласан. Сенга интиламан бутун вужудим билан, сенга қайтгим келади. Аста оқамга қарайман... афсус сенга элтувчи йўллари, изларингни йиллар дарёси ювиб кетган. «Болалик» деб аталмиш ортга оқмас дарёнинг шўх мавжларида яна бир бор яйраб сузим келади.

Оҳ, менинг ортга қайтмас шўх, азим дарёгинам... болалигим...

Маҳфуза НИШОНОВА.

МАРОҚЛИ ЎТГАН ТЎҚҚИЗ КҮН

Шахмат

Ярим асрдан мўлроқ шахматчилик фаолиятимда кўндан-кўн мусобақаларда қатнашиш ёки уларни ташкил этиш мутасаддилик қилишга тўғри келган. Аммо куни кеча Тошкентимиз яқинидаги сўлим гўша — Қибрай туманида поёнига етган чинакам шахмат байрами деса арзағулик Халқаро турнир ўзгача хусусиятлар касб этди. Олти яшарли қизалоқдан тортиб етмиш ёшгача бўлган шахмат шайдолари, Республика чемпионатларининг қатнашчиларию ҳали малакаси унча баланд бўлмаган ҳаваскорлар «Бир ариқдан сув ичишди» — ўзаро куч синатишди. 170 иштирокчини ўз бағрига олган янги шахмат клубининг соя-салқин ҳовлисига ўрнатилган 85 та столда тўққиз кун давомида ажабтовур баҳслар ўтказилди. Комиссиянинг ишораси билан 85 та шахмат соати тугмачалари боси-

лиши билан чурқ этган товуш ҳам эшитилмай қолди. Бир томондан таниқли спорт усталарию бир томондан болалар ва ўсмирлар орасида жаҳон чемпионатларининг иштирокчилари, Осиё чемпионлари донна сураётгани мусобақага файз киритиб турди.

Беллашувларнинг швейцарча усулда ўтказилиши кун сайин саралаш давом этиб, қатнашчиларни гуруҳларга ажратиб турди.

Дастлабки олти турдан сўнг барча учрашувларни галаба билан яқунлаган тошкентлик Ақром Тошхўжаев билан ундан атиги ярим очко ортда бораётган чирчилик ёш спорт усталигига номзод Рустам Рашидов олдинга ўтиб олган, бинобарин, еттинчи турда улар ўзаро куч синатишлари муқаррар эди. Галаба ёш иштирокчига насиб этганлиги пешқадамлар сафидга ўзгариш ясади. Эртасига бунинг акси бўлди. Шу галги республика чем-

пионати олий лигасида миллий спорт устаси унвонига сазовор бўлган бухоролик Фахриддин Сатторов пешқадам Рашидовни енгиб, унинг ўрнига ўтиб олди.

Сўнгги икки турда муваффақиятли донна суришга қурб етган Тошхўжаев билан Сатторов маррага бир хил натижа — 8 тадан очко олган ҳолда етиб келди.

Турнир низомига кўра кўшимча кўрсаткичлар бўйича биринчи ўрин Ақром Тошхўжаевга берилди.

Иккинчи соврин бухоролик Фахриддин Сатторовга, учинчиси Рустам Рашидовга, тўртинчиси самарқандлик Владимир Саркисовга, бешинчиси тошкентлик Константин Малеевга ва олтинчи соврин наманганлик Акмал Жўраевга насиб этди.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВМанзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба

ва жума

кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Шарқ гурдоналари

ОЗ ОЗ ҲАҚИМИ
ДОМО БЎЛУР...

● Сўзлаш одоби шундайки, сўзни кам сўзласин, чунки лақ-малик тентакликнинг нишонларидан биридир. Бузургмеҳр: «Бир кишини кўрдингки, ниҳоятда кўп гапирмоқда, билгилки, у дево-надир! — деган эди. Киши демоқчи бўлган нарчасини ақл таро-зусида яхшилаб тортмагач, уни баён қилиш номақбулдир. Ҳа-кимлар: «Кўп ўйла, сўнг сўзла», — дейишган. Эҳтиёж пайдо бўлмасдан бир сўзлаган сўзни такрор гапирмасин. Бирор ки-ши бирор воқеани баён қилишга киришса эшитувчининг бун-дан хабари бўлса-да, хабардорлигини ундан яширсин. Чунки гапирувчи ундан ҳижолат чекиши мумкин. Ўзга кишидан сўрал-ган сўзга жавоб бермасин. Агар савол кўпчилиқка ташланса у мазкур саволга жавоб беришга ҳозир бўлса ҳам, ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилмасин. Бирор киши жавоб айтса, қониқарли бўлмаса ёки унга кўшимча қилишга қодир бўлса охира жавобини айтсин. Ўтиришда бўлаётган музокара ва му-нозарага даҳли бўлмаган ҳолда аралашмасин. Катталарга ки-нояли сўз айтмасин. Тушунилиши қийин бўлган сўзни мисол-лар воситасида равшан қилсин. Мунозарада чегарадан ташқа-ри чиқмасин. Ҳар бир кишига унинг фаҳми етадиган даражада сўзласин. Бир ҳақимдан сўрадилар: «Нега сен гапиришдан кўпроқ эшитасан?» У деди: «Чунки менга иккита қулоқ, битта тил ҳаё этилган».

«Махзан ал-улум»дан.

● Бир нафс айтсам туякуш гўйиё
Юк кўтармас ё учолмас бедаво,
«Уч!» десанг дейди: «Туяман-ку ахир!»,
Юкни қўйсанг дейди: «Қушман мен ахир!»
Сабза рангли, ранги кўп дилкаш эрур,
Таъми талх, ҳиди эса нохуш эрур.
Кел итоатга десанг сўстлик қилар,
● Ҳар ким тама йўлин тутса агар пеш,
Оқибат бир куни бўлғуси дарвеш!
● Оқил инсон топганига сабр этар,
Сўнг ўзининг нафсига ул қаҳр этар!
Аблаҳ одам аблаҳи шундай одам,
Доимо нафс қўйида ургай қадам!

Фаридиддин АТТОР.

● Оз сўзлаш, аммо соз сўзлаш кишининг ақллигига да-лилдир. Ақлнинг оз ёки кўплиги билан одамлар бир-биридан фарқ қиладилар. Киши ўз-ўзини билса, қадру қимматини тани-са, у ҳолда унинг ақлли экани маълум бўлади. Аҳмоқ киши ўз чегарасини билмайди. Ақлнинг энг боши одамнинг халққа ара-лаша билишида, юриш-туришида, ўзгаларга ибрат бўлишида, ҳаммага ёқа билишида, билимдон эканида намоён бўлади.

Сен қилмоқчи бўлган ишингни аввало ақлга ҳавола қил, ақлинг ижозат берса уни амалга оширишга кириш. Ўз-ўзини қаттиқ севган, яъни ўзига бино қўйган кишида ақл бўлмайди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»дан.

● Ҳалол егин топиб ўз ранжинг билан,
Бой бўлсанг бўл фақат ўз ганжинг билан.
Ити бўлма асло биров нонини,
Мушуги бўлма ё ўзга хонини.
Ким шоддир шодлиги зиёдат бўлур,
Тани шодлик учун вилоят бўлур.
● Арзимас ғам тортмоқ учун бу жаҳон,
Дунё шод яшамок учун, эй инсон!
Дунё дилхушлиги ҳам шодлик учун,
На заҳмат тортмоғу бедорлик учун.
Не учун ўзингга ситам айламоқ?
Йиллар аро ўзни ғамга бойламоқ?
Оғирликни асло олма бўйнингга,
Олган сари кириб борар қўйнингга!

Низомий ГАНЖАВИЙ.

● Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақд таом яхши. Сўз кишининг юрагидан дарак беради. Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Сергаплик ўз душманингидир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан кўзгатади.

● Ҳар бир кишининг сўзи ақлига яраша бўлади. Ўз ерида айтилмаган сўз ҳеч ким йўқ ерда чалинган куйга ўхшайди.

● Ҳар бир сўзни ўз ўрни бор, ҳар бир ишнинг ўз мавриди.

● Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб бўлмас ўқдир.

● Вақтни бекор ўтказиш аҳмоқликдир.

Бекор юргандан кўра душманга тош ташиган афзал.

«Аталар сўзлари»дан.

● Қаноат ақлли одамларнинг фазилатидир. Аммо қаноат қи-лиш ризқ қидириш ва касб билан шуғулланишдан тийилиши дегани эмас. Балки касб туйфайли топган нарчасига шуқур қи-лиш ва ортиқчасига интилмастикдир. Қаноатли одам доимо зиёфат ичида ва завқу сафо орасида юрган кабидир. Чунки қаноат йўлини тутган одам ҳар нарсага қайғу ғам чекавер-майди. «Фалончи уни олибди, пистончи буни олибди, мен ҳам олишим керак, нега унда бўлади, менда бўлмайди» деб жони-ни койтавермайди.

Муҳаммад ҲУСАЙН.

● ҲИҚМАТ. Ҳар кимнинг феълу атворида нуқсон бўлса унинг қилган насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди. Байт:

Сўзларингни эшитмася ҳеч кимса,
Беҳудага чекма жабру жафони,
Ўз нафсингга ўқи аввал насиҳат,
Бузмай юрсин токи аҳду вафони!

Мажиддин ҲАВОФИЙ.

Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.